

## ЭСТРАДА ҚЎШИҚ ЖАНРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИЁТИНИНГ ЎРНИ

Расулов Достон Алишерович

“Композитор ва аранжировка” кафедрасининг ўқтувчиси

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги

Ботир Зокиров номидаги Миллий Эстрада Санъати Институти

### АННОТАЦИЯ

Тавсия этилган мақолада Ўзбек эстрада мусиқасининг келиб чиқиши тарихи, шаклланиш жараёнига унинг жанрлари, янги оқимлари, аудио – визуал санъаларнинг шижаатли ривожланиши натижасида келган шакллар ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлари** миллий эстрада санъати ,ижро этиш янги технологияси.

**Аннотация:** В предлагаемая статья основана на узбекской эстрадной музыке. идет речь о истории возникновение, процесс становление узбекской эстрадной музыки и его жанрах, Новые потоки, формы, возникнувшей в результате аудиовизуального искусства.

**Ключевые слова** национальное эстрадное искусство, новая технология исполнения.

**Abstract:** The proposed article is based on Uzbek pop music/ we are talking about the history of the emergence? The process of formation the Uzbek pop music and its genres. New flows, form's resulting audiovisual art.

**Keywords:** technology of performance of national pop art.

Маълумки, Ўзбекистон маданиятида мусиқий эстрада<sup>1</sup> соҳаси қарор топишида композиторлик ижодиёти катта ўрин тутган. Шу жумладан, мутахассислар эстрада қўшиғи жанри шаклланишида XX асрнинг иккинчи ярмида фаол ижодий меҳнат қилган М. Бурхонов, И. Акбаров, М. Левиев, Д. Зокиров, А. Берлин, Х. Изомов, Э.Салихов каби атоқли композиторларнинг хизматларини эътирофлайдилар. Зоро уларнинг бадиий фильмларда янграган қўшиқлари (“Мафтунингман” фильмида - Бурхоновнинг “Дўппи”, “Мафтун

<sup>1</sup> “Мусиқий эстрада” ибораси мусиқашунос Д.Муллажонов томонидан илмий муомалага киритилган. Қаранг: Муллажонов Д. 1990 – йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси., Т.; СИТИ. М (м) М - 11 №1002. 2004.

бўлдим”, М. Левиевнинг “ Сартарош”, “Қайдасан Зулфия”фильмида - Д. Зокиров, А. Малаховнинг “ Кўчалар”, “Мовий олов одамлари” фильмида - И. Акбаровнинг “Газли” ва б.) миллий эстрада қўшиқлари юзага келишида муҳим замин бўлган эди.<sup>1</sup>

Айтиш керакки, ўзбек миллий эстрада қўшиқчилигининг ривожи истеъодли санъаткор, моҳир хонанда Ботир Зокиров номи билан бевосита боғлиқдир. Чунки унинг бу жабҳадаги серқирра ва самарали ижодий изланишлари натижасида ўзбек қўшиқчилик санъати Шарқ ва Ғарб эстрада бадиий воситалари билан уйғунлашиб, янги сифатларга эришди. Шу боис ҳам бежиз эмаски, Б.Зокиров ижро этган қатор қўшиқлар (“Раъно”, “Мафтун бўлдим”, “Газли”, “Араб тангоси”, “Хабиба”, “Қочоқ қиз” ва б.) бугунги кунда ҳам миллий эстрада қўшиқчилигининг юксак намуналари бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Б.Зокировнинг эстрада қўшиқчилиги соҳасидаги ижодий парвози ўтган асрнинг 70-80-йиллари республикамиизда вокал-чолғу ансамбллари юзага келишига ҳам сабаб бўлган эди. Бу ўринда айниқса “Ялла”, “Наво”, “Садо” каби мусиқий фольклор манбаларига таянган вокал-чолғу гурухларининг фаолияти эътиборли бўлди. Шу билан бирга ўтган асрнинг 80–йиллари давомида мусиқий эстрада саҳналарини бу соҳада маҳсус касбий тайёргарлиги бўлмаган ҳаваскор ҳам эгаллай бошладиларки, натижада чет эл эстрадасига эргашиш ва тақлид қилиш кучайди, бадиий даражаси унча юқори бўлмаган паст савияли қўшиқлар ёшлилар орасида кенг ёйила бошлади.<sup>2</sup>

1990 - йилларга келиб эса ўзбек эстрада қўшиқчилиги “кенг тармоқли улкан “саноат” (индустрия) даражасига етди ва тарихан қисқа муддат ичida ўзгача таъсир кучига эга оммавийлик касб этиб улгурди.”<sup>3</sup> Бу давр ўзбек мусиқий эстрадаси услуб, оқим ва йўналишлари жиҳатида хилма–хиллиги (диско, поп, хард–рок, реп, рейв, техно–соул, фьюжн, реггей ва б.) билан тавсифланади.

Шуни айтиш керакки, мусиқий эстрадани миллий қадриятлар ва касбийлик асосида ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди.<sup>4</sup> Бу борада яқин ўтган йиллар ичida амалга оширилган аҳамиятли

<sup>1</sup> Вахидов С. Эстрадная песня // Узбекская музыка на современном этапе. Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма. 1977; Муллажонов Д. 1990 – йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси., Т.; СИТИ. М (м) М - 11 №1002. 2004..

<sup>2</sup> Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана., Т.; СИТИ. М (м) Б – 42 № 931. 1994. с 88 -89. 91

<sup>3</sup> Муллажонов Д. 1990 – йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси., Т.; СИТИ. М (м) М - 11 №1002. 2004.. 3.2 – с 3

<sup>4</sup> Адабиётлар рўйхати: 1.1; 1.2; 1.3.

ишлиар қаторида 1996–йили Ўзбек давлат филармонияси асосида “Ўзбекнаво” гастрол–концерт бирлашмаси ташкил этилганлигини, Тошкент давлат консерваториясида эстрада мусиқа факультети,<sup>1</sup> жойларда мавжуд маҳсус ўкув юртларида эстрада бўлимлари ҳамда пойтахтда Эстрада-цирк коллежи очилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Амалга ошган ҳамда оширилаётган бу каби ижобий ишилар ўлароқ ўзбек мусиқий эстрадаси ва унинг муҳим таркиби бўлган эстрада қўшиқчилиги янги даражага юксала бошлади. Мазкур жараёнда композиторлик ижодиёти, жумладан, М. Махмудов, М. Бафоев, Ҳ. Раҳимов, Р. Абдуллаев, Н. Норхўжаев, А. Эргашев, А. Мансуров, А. Расулов, Д. Омонуллаева ва А. Икромовларнинг ижоди ҳам шубҳасиз катта ўрин тутмоқда. Зеро, бу истеъдодли композиторларнинг кичик жанр доирасидаги ҳам ижодий фаоллиги эстрада қўшиқларига чуқур маъно ва мазмун бағишиламоқда. Бу ҳол қўшиқларнинг миллий негиззга эга оҳанг, қуй ва сўз уйғунлиги, шаклий тузилма, ривожланиш тамойиллари каби ифодавий воситаларида ёрқин намоён бўлади. Буларни биз эстрада қўшиқчилиги жабҳасида узлуксиз меҳнат қилаётган ҳамда юқори бадиий натижаларга эришаётган ўрта авлод композиторлари ижоди мисолида ўрганишни жоиздир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Азимова О. Вопросы синтаксиса восточной монодии. – Т.:Фан, 1989.
2. Азимова О. Вопросы синтаксиса восточной монодии: К истории его становления и развития. Т.:Фан. 1998. – 103 с.
3. Амануллаева Д., Аманова Н. История джаза и эстрадной музыки. Т.: Санъат, 2010.
4. Аманова Н. Основные этапы развития узбекской эстрадной музыки. В сб: Ўзбекистон санъати макон ва замон талқинида Тошкент, 2011
5. Беков О., Муллажонов Д. Миллий эстрада санъати. // Ўзбекистон санъати (1991 – 2001йиллар). – Т.; “Шарқ” нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси, 2001.
6. Вахидов С. Эстрадная песня // Узбекская музыка на современном этапе. Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма. 1977. – 123 – 139с.
7. Вахидов С. Узбекская советская песня. – Т.; ГИЛИ им. Г. Гуляма, 1976.

<sup>1</sup> 2001 йили ушбу ўкув даргохига “Ўзбекистон давлат консерваторияси” номи берилган.